**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Наманган вилояти ҳудудий филиали раҳбари**

**_________________ Б.Абдуразақов**

**“___” ____________ 2022 й.**

---

# Наманган вилоятидаги кўп каватли уйларнинг умум фойдаланиш кисимларини таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш ва ижобий экспертиза хулосаси олиш смета хужжатларини ишлаб чикиш ва ижобий экспертиза хулосаси олиш (3-қисим)

---

**2022 йил**

# МУНДАРИЖА

**НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ**
*(Танлов иштирокчиларига тақдим этилмайди)*

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**УМУМИЙ ҚИСМ**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ
СХЕМАСИ

**ТЕХНИК ҚИСМ**

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

**ТИЖОРАТ ҚИСМ**

БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

ЛОЙИҲАНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ

БАРЧА ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!
“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Наманган вилояти ҳудудий филиали
(*Буюртмачи ташкилот номи*)

# ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

---

*Объект номи*: **Наманган вилоятидаги кўп каватли уйларнинг умум фойдаланиш кисимларини таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш ва ижобий экспертиза хулосаси олиш смета хужжатларини ишлаб чикиш ва ижобий экспертиза хулосаси олиш (3-қисми)**

*Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) –36 000 000 сўм.*
*Ишларни тугаллаш муддати –15 кун.*

Буюртмачи: **“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Наманган вилояти ҳудудий филиали**
*(Буюртмачи манзили, тел +998 97 815 02 02,)*
**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети

- ♦ Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, лицензияга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ♦ Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:
  *(Буюртмачи манзили, тел +998 90-752-04-04)*
- ♦ Тасдиқланган танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
- ♦ Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда танлов эълонида чоп этилган куни ва вақтига қадар қабул қилинади.

**Буюртмачи ташкилот раҳбари:** **Б.Абдуразаков**

## ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

**“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Наманган вилояти ҳудудий филиали** номидан танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

*Объект номи:* **Наманган вилоятидаги кўп каватли уйларнинг умум фойдаланиш кисимларини таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш ва ижобий экспертиза хулосаси олиш смета хужжатларини ишлаб чикиш ва ижобий экспертиза хулосаси олиш учун (3-қисим)**

*Объектнинг бошлангич нархи (ҚҚС билан) –36 000 000 сўм.*

*Ишларни тугаллаш муддати –15 кун.*

**Буюртмачи: “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Наманган вилояти ҳудудий филиали манзили:** ***Буюртмачи манзили***, Наманган вилояти Наманган шахар Марғилон кўча 10-уй ***тел +998 97-815-02-02***

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети.

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

Лицензияга эга бўлиши;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, офис техникаларига эга бўлиши;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат) ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг, консорциум ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг ҳужжатлари, хусусан, танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг ҳужжатларини танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Танлов иштирокчилари таклифлари XARID.UZEX.UZ электрон порталиниг ETENDIR.UZEX.UZ сайти орқали тақдим қилинади.

Танлов ташкилотчисига таклифларни тақдим этишнинг XARID.UZEX.UZ электрон порталиниг ETENDIR.UZEX.UZ сайти – таклифларни электрон усулда таклиф қилишингиз мумкин.

Таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни ва танловлар ғолибларни XARID.UZEX.UZ электрон порталиниг ETENDIR.UZEX.UZ сайти орқали элон қилинади.

**Буюртмачи ташкилот раҳбари** **Б.Абдуразаков**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

## I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, танлов ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлов эълон қилади.

1.2. Танловнинг тури – очиқ танлов, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.

## II. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлов ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм танлов иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

**1 - шакл.** Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

**2 - шакл.** Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари (иловалари билан).

**3 - шакл.** Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси.

**4 - шакл.** Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда офис техникасининг рўйхати.

**5 - шакл.** Лойиҳа смета хужжатларини бажариш тижорат таклифи.

**6 - шакл.** Лойиҳа смета хужжатларини ишларини бажариш графиги.

**7 - шакл.** Бажариладиган ишларга калькулация.

2.3. Тижорат қисми:

Лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқишнинг бошланғич нархи;

Лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқишнинг муддати;

молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

## III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур лойиҳа ишлари бўйича танловда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар танлов иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Танлов иштирокчиси танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўриқноманинг VII боби талабларига биноан танлов таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Танлов иштирокчиси ўзининг танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлов ташкилотчиси ва танлов комиссияси танлов натижаларидан қатъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлов иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

## V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Танлов иштирокчилари танлов ва лойиҳа олди ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, танлов иштирокчилари танишиб чиқиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа олди ҳужжатларини буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси лойиҳа олди ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианти)ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Танлов иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини бориб кўришлари, АРТ ва техник топшириқларни жойнинг ўзида ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

## VI. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танловга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, танлов иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлов иштирокчиси томонидан тайёрланган танлов таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлов иштирокчиси танлов таклифини мазкур танлов ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва танлов ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, танлов иштирокчиси танлов таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Танлов иштирокчиси ўз танлов таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

## VII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Танлов таклифлари битта йиғма жилддан иборат.

**7.2. Йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:**

7.2.1. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони танлов иштирокчиси томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилиши шарт. Ягона миллий меҳнат тизими my.mehnat.uz дан юкланган QR-кодли меҳнат дафтарчасидан кўчирмани ҳамда диплом нусхасини тақдим этиши шарт.

7.2.2. Танлов иштирокчиси молиявий кўрсаткичлари. (2-шакл). Шаклни тўлдиришда 3 йилик фаолияти давридаги молиявий холати тўғрисида маълумотлар киритилиши лозим. Ушбу шаклга 3-йиллик баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботлар ҳамда талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ тўловчининг my.soliq.uz порталидан солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида QR-кодли маълумотномалар тақдим этиши шарт.

7.2.3. Танлов предметига ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (3-шакл). Ушбу жадвалда танлов иштирокчиси танлов предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида ҳисоб-фактура илова қилинади.

7.2.4. Танлов иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган офис техникасининг рўйхати (4-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара асосидаги офис техникаларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда танлов иштирокчиси лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини бажариш даврида ҳақиқий бўлган ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.5. Лойиҳа смета хужжатларини бажариш тижорат таклифи (5-шакл).

7.2.6. Лойиҳа смета хужжатларини ишларини бажариш графиги (6-шакл).

7.2.7. Бажариладиган ишларга калкулация (7-шакл).

7.2.8. Юқорида сўралган шаклларни намуналар асосида тўлдириши ҳамда уларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

## VIII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг қиймати 5-шакл эълонда кўрсатилган лойиҳа олди ҳужжатларига мувофиқ бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Танлов иштирокчилар танловда иштирок этаётганда ишларнинг таклиф этилаётган қийматини, ишларнинг шартномавий баҳолардаги тўғридан-тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак.

8.2. Танлов иштирокчиси объектда бажариладиган ишлар калькуляция жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.3. Сўз билан ёзилган нарх ва рақам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.4. Калькуляцияда тақдим этилган нарх ҳамда тижорат таклифидаги сумма орасида тафовут бўлса калькуляцияда нарх қабул қилинади.

8.5. Танловда белгиланган ишларнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буюртмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири) бундан мустасно.

## X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Танлов иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг аслини ва битта нусхасини уларга “асли” ва “нусха” деб аниқ белги қўйиб, тақдим этиши керак. Улар орасида фарқи бўлган тақдирда “асли”га устунлик берилади.

10.2. Таклифнинг асли ва нусхаси босма ёзувда бўлиши керак. Шаклларнинг ҳар бир бети танлов иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзо чекилган ва танлов иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Танлов иштирокчиларига хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари танлов таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Танлов ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки танлов иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно. Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Танлов комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Танлов ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар танлов таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

## XII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ БЕРИШ

11.1. Таклифлар танлов ташкилотчисига ТАЖда кўрсатилган тартибда, ўз муддатида ва манзил бўйича тақдим этилиши керак.

11.2. Буюртмачи томонидан ҳужжатлари танлов иштирокчисига мазкур йўриқноманинг 5.3-банди талабларига асосан тақдим этилмаган ёки рад қилинган ҳолларда танлов иштирокчиси танлов таклифини топшириш муддатини узайтириш ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат қилиши мумкин.

11.3. Юқоридаги бандда қайд этилган ҳолат рўй берган ҳолларда танлов ташкилотчиси, буюртмачи билан келишган ҳолда, танлов иштирокчиси буюртмачидан ҳужжатларини олганлиги ҳақидаги далолатномани қабул қилган кундан бошлаб, энг камида ўн кун муддатга танлов таклифини топшириш муддатини узайтириши мумкин.

## XII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

12.1. Таклиф берилганидан кейин танлов иштирокчиси танлов таклифига ўзгартиришлар киритиши ёки уни ҳисобдан чиқариши мумкин, шу шарт биланки, ушбу ўзгартиришлар ёки

таклифни ҳисобдан чиқариш хабари таклифларни бериш муддати ичида ёзма равишда танлов ташкилотчисига тақдим этилган бўлса.

12.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

## XIII. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ

13.1. Танлов xarid.uzex.uz махсус ахборот порталининг etendir.uzex.uz махсус сайтида ўтказилади, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

13.2. Танлов комиссияси таклифларини ҳисобдан чиқариш ҳақида хабарнома йўллаган танлов иштирокчиларини эълон қилади (агар бўлса).

13.3. Таклифларни ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлов ғолибини аниқлаш ёпиқ йиғилишларда амалга оширилади. Танлов таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13.4. Таклифларнинг очилгунга қадар бутлиги учун жавобгарлик танлов ташкилотчиси зиммасида бўлади.

13.5. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври танлов таклифлари очилган кундан эътиборан ўн кунни ташкил этади.

13.6. Танлов комиссияси конвертни очади, таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлов иштирокчилар малакасини ўрганишни амалга оширади, баҳолашни ўтказади, ғолибни аниқлайди ёки бошқа қарорларни қабул қилади.

13.7. Танлов комиссиясининг барча қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

13.8. Малакани баҳолаш ва якуний баҳолаш танлов комиссияси тасдиқлаган ва ушбу йўриқноманинг иловаларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

13.9. Танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, танлов комиссияси ушбу танлов таклифини рад қилишга ҳақли.

13.10. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

13.11. Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига биноан ва ТАЖда кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

13.12. Танлов комиссиясининг ҳар бир йиғилишида баённома юритилади.

13.13. Танловга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда қайд этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

13.14. Танлов комиссияси танлов таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳларини тузиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг таркибига танлов комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультантлар (танлов комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг аъзолари танлов комиссияси аъзолари каби танловни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур танлов ҳужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

## XIV. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ

14.1. Танлов комиссияси таклифларни баҳолаш ва таққослаш учун таклифни танлов комиссияси мажлисида кўриб чиқиш вақтида танлов иштирокчиларидан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сўраши мумкин. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

## XV. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

15.1. Танлов иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

15.2. Танлов иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган танлов таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш гуруҳи аъзолари танлов таклифларининг баҳолаш варақларини тўлдиришади (техник баҳолаш варағи ТАЖда алоҳида иловаларда намунавий жадвалда тақдим этилади).

15.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуйидаги шаклда тўлдирилади:

## XVI. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛОВ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

16.1. Молиявий таклиф ҳужжатларининг бирортасини танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда танлов иштирокчисининг таклифи рад этилади ва танловдан четлатилади.

16.2. Зарур бўлганда, танлов комиссияси молиявий таклиф ҳужжатларида келтирилган маълумотларни, хусусан ҳисоб-китобларнинг иқтисодий асосланганлиги, иш ҳажмлари танлов ҳужжатларига жавоб бериши ва бошқа ҳолларни батафсил ўрганиш учун комиссия аъзолари ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гуруҳи тузиш ҳуқуқига эга.

16.3. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

## XVII. ТАНЛОВ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

17.1. Танлов ғолибини эълон қилиш танлов иштирокчилари иштирокида ўтказилади. Иштирок этмаган танлов иштирокчилари белгиланган тартибда хабардор қилинади.

17.2. Таклифни қабул қилинганлиги ҳақидаги қарор танлов ғолибига танлов ташкилотчиси томонидан таклифни қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома билан танлов якунланганлигидан сўнг хабар қилинади.

17.3. Шартномани танлов ғолибига берилгани юзасидан танлов комиссиясининг қарори охирги ҳисобланади ва муваффақият қозонмаган танлов иштирокчилар билан кейинчалик бу масала бўйича баҳс ва мунозаралар ўтказилмайди.

17.4. Танловларда муваффақият қозонмаган танлов иштирокчилари суд инстанцияларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Суд идоралари сўровига кўра, танлов комиссияси раиси танлов комиссиясининг ҳар бир иштирокчиси ва буюртмачи кўрсатилган танлов иштирокчиларини қатнашишдан четлаштириш сабабларини батафсил тушунтиришни ёзма равишда тақдим этадилар.

## XVIII. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ

18.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 3 (уч) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича шартномани имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

18.2. Шартнома ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, танлов ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

18.3. Агар танлов ғолиби мазкур танлов ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, танлов комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган танлов иштирокчисини танлов ғолиби деб топиши ёки такрорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

18.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур танлов ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

## XIX. ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ

19.1. Буюртмачи танлов якунланган кундан кейин уч кунлик муддат ичида махсус ахборот порталида танлов натижалари (предмети, ғолиби, шартномавий нархи, бажариш муддати, танлов баённомаси(*pdf), шартнома(*pdf) бириктирган ҳолда) ҳақида эълон чоп этади.

20.2. Танлов натижаларига кўра эркин муомаладаги валютада тузилган шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

## XX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

20.1. Танлов қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини якунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;

- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида танлов комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса;

- танлов иштирокчилари таклиф этган нархлар ва бажариш муддатлари танлов предметининг бошланғич қиймати ва муддатидат ошиқ бўлса;

- танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда танлов ўтказилмаган деб топилса.

20.2. Танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши танловнинг бирон-бир иштирокчиси (танлов комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, танлов иштирокчилар) ни мулкий ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

20.3. Агар танлов бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий танлов ўтказилади. Бунда танлов ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

## XXI. ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов предмети бўйича ва танлов ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

| Т/р | Бўлим номи | Бўлимга изоҳлар |
|---|---|---|
| 1. | Буюртмачи: | *“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси”ДУК Наманган вилояти ҳудудий филиали* |
| 2. | Объект номи: | **Наманган вилоятидаги кўп каватли уйларнинг умум фойдаланиш кисимларини таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш ва ижобий экспертиза хулосаси олиш  смета хужжатларини ишлаб чикиш ва ижобий экспертиза хулосаси олиш** |
| 3. | Танлов тартиб рақами: | *1-2022* |

| | | |
|---|---|---|
| 4. | Танлов тури: | *Очиқ танлов. Дастлабки малака танлови орқали танлов ўтказилади.* |
| 5. | Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари: | *Xarid.uzex.uz махсус ахборот портали; Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси 10-уй.* |
| 6. | Танловни ўтказиш манзили, жойи ва муддати: | *Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси 10-уй; Xarid.uzex.uz эълон чоп этилган вақтдан 10 (ўн) кун ўтиб.* |
| 7. | Декларация шакли: | |
| 8. | Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади: | *Xarid.uzex.uz махсус ахборот портали ҳамда mjko.uz сайтида.* |
| 9. | Танловда иштирок этишга қуйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади: | *Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.* |
| 10. | Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса): | *Мавжуд эмас.* |
| 11. | Танлов иштирокчиларининг танлов ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати: | *Танлов таклифини тақдим этиш муддати тугашидан 3 кун олдин* |
| 12. | Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари: | *Таклифларни тақдим этиш эълонда кўрсатилган муддатга қадар* |
| 13. | Танлов ҳужжатининг тили: | *Ўзбек тили* |
| 17. | Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили: | *Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси 10-уй; Xarid.uzex.uz эълон чоп этилган вақтдан 10 (ўн) кун мобайнида.* |
| 18. | Танлов таклифларини очиш манзили: | *Наманган шахар Марғилон кўча 10-уй* |
| 19. | Танлов таклифларини баҳолаш муддати: | *Танлов таклифини тақдим этиш муддати тугагандан 10 кун* |
| 21. | Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи: | *36 000 000 сўм* |
| 22. | Буюртмачи томонидан белгиланган муддати | *15 кун* |
| 23. | Молиялаштириш манбаси: | *Давлат бюджети* |
| 24. | Лойиҳани молиялаштириш тартиби: | *Молиялаштириш шартлари: бўнак - танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган лойиҳа ташкилоти жорий йил учун 30 %; жорий молиялаштириш - бажарилган ишларнинг ҳажмидан 100% миқдорида.* |
| 25. | Шартнома тили: | *Ўзбек тили* |
| 26. | Шартнома валютаси: | *Сўм.* |

**1 - ШАКЛ**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи ________________________________________________
Танлов иштирокчиси раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ________________
Манзили ва телефон (факс) рақами ___________________________________________
Юридик мақоми _____________________________________________________________
Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) _____________
Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) __________________________

**Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:**

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| | | | | | |

**Асосий ходимлар** (Лойиҳа бош мухандиси, Лойиҳа бош архитектори)

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** |
| | | | | |

**Доимий ишчи ходимлар (ишчилар)**

| Т/р | Мутахассисликлар номи | Жами сони, шу жумладан мутахассисликлар ва разрядлар бўйича | Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи ҳужжати борлар | Улардан (4-устундан) Лойиҳалаштирилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлар |
|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** |
| | Жами | | | |
| | Шу жумладан: | | | |
| | Лойиҳачилар | | | |
| | Сметачилар | | | |
| | Мухандис-техник ходимлар | | | |
| | ва бошқалар | | | |

Кадрлар бўлими бошлиғи: /имзо ва мухр/

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “_____” __________ 20___ й.

**Изоҳ:** *Танлов иштирокчиси корхона гувоҳномаси нусхасини, лицензия нусхасини шунингдек кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги тўғрисида уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи Ягона миллий меҳнат тизими my.mehnat.uz дан юкланган QR-кодли меҳнат дафтарчасидан кўчирмани ҳамда диплом нусхасини тақдим этиши шарт.*

**2 - ШАКЛ**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

___________________________________________________________________

*(танлов иштирокчисининг номи)*

| **АКТИВЛАР** | **20__ й** | **20__ й** | **20__ й** | **ПАССИВЛАР** | **20__ й** | **20__ й** | **20__ й** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Узок муддатли активлар** | | | | **Ўз маблағлари манбаи** | | | |
| Асосий воситалар | | | | Устав фонди | | | |
| Шундан Ишлаб чиқариш фондлари | | | | Тақсимланмаган фойда | | | |
| Қолдиқ қиймат | | | | **Мажбуриятлар** | | | |
| Капитал қуйилмалар | | | | Займлар | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш | | | | Кредитор қарздорлик | | | |
| **Жорий активлар** | | | | Шундан муддати ўтган қарздорлик | | | |
| Айланма маблағлар | | | | Шундан бюджетдан қарздорлик | | | |
| Улардан ишлаб чиқариш захиралари | | | | Шундан иш ҳақидан қарздорлик | | | |
| Дебитор қарздорлик | | | | | | | |
| Шундан муддати ўтган қарздорлик | | | | | | | |
| Жами баланс активи бўйича | | | | Жами баланс пассиви бўйича | | | |

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

| **Номи** | **20__ й** | **20__ й** | **20__ й** | **Номи** | **20__ й** | **20__ й** | **20__ й** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Реализациядан олинган тушум | | | | 8. Соф фойда | | | |
| 2. Реализациядан олинган соф тушум | | | | Шундан асосий фаолият бўйича | | | |
| 3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи | | | | Умумхўжалик фаолият бўйича | | | |
| 4. Маъмурий харажатлар | | | | 9. Асосий фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 5. Бошқа харажатлар | | | | 10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 6. Даромад солиғи тўловигача фойда | | | | 11. Зарар | | | |
| | | | | шундан асосий фаолиятдан | | | |
| 7. Даромад солиғи | | | | умумхўжалик фаолиятдан | | | |

Баланс фойдаси ____________________________________________________________

Охирги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми?

Раҳбар _____________________ Бош ҳисобчи _______________

муҳр

Сана: «____»__ ______________20_ й.

**Изоҳ**: *Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясиниг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботлар(3 йиллик) ҳамда талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ тўловчининг my.soliq.uz порталидан солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида QR-кодли маълумотномалар тақдим этиши шарт.*

**3 - ШАКЛ**

# ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА
# ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

______________________________________________________________

*(танлов иштирокчисининг номи)*

| Т/р | Объект номи, шартнома суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси | Буюртмачи номи | Бажарилган ишлар суммаси | Шундан йиллар бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 20__ й. | 20__ й. | 20__ й. |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | Жами: | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: “_____” ___________ 20__ й.

Тасдиқланган: _________________________________

*(бош ҳисобчи имзоси)*

**Изоҳ:** *Маълумотлар танлов иштирокчиси томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари нусхалари билан тасдиқланади.*

**4 - ШАКЛ**

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ

| **Т/р** | **Номи** | **Маркаси** | **Сони** | **Ишлаб чиқарилган йили** | **Қуввати** | **Техник ҳолати** | **Балансида ёки ижарада** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** |
| ОФИС ТЕХНИКАЛАРИ | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| | Ҳаммаси | | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _______________

Тузилган санаси: “_____” __________ 20__ й.

**Изоҳлар:**

*1. 8 устунга офис техникасининг танлов иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.*

*2. Ижарага техника олинганда ижара шарноманинг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).*

**5 - ШАКЛ**

______________________________________________________________________________

*(буюртмачининг номи)*

**ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРНИ БАЖАРИШ**
**ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ**

______________________________________________________________________________

*(объект номи)*

1. Биз, қуйида имзо чекувчилар, юқорида айтилган ишларни бажариш майдончасини кўздан кечириб, умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат танлов ҳужжатларини ўрганиб, юқорида кўрсатилган ҳужжатларга мувофиқ

____________________ *(рақамда ва ёзув билан сумма, қўшилган қиймат солиғи билан)*

сўмга айтилган барча ишларни (ишларнинг камида 50 %ини ўз кучимиз билан) бажариш ва якунлашни ҳамда улардаги топилган камчиликларни белгиланган муддатда тузатишни таклиф этамиз.

2. Бизнинг таклифимиз қабул қилинган ҳолда, буюртмачидан ишга киришиш ҳақидаги ёзма хабарномани олган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришиш ва ишларни бажаришни бошланишидан эътиборан __________*(сўз билан)* **кун** мобайнида уларни якунлаш мажбуриятини оламиз.

3. Бизнинг таклифимиз танлов таклифлари очилган кундан бошлаб ________________ *(рақам ва ёзув билан)* календар кун мобайнида амал қилади.

4. Шартнома тузилгунга қадар мазкур танлов таклифи унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома билан бирга орамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.

5. Таклиф қабул қилинганлиги тўғрисидаги Биз олган хабарнома, Бизни Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурият юклашини ва Биз унинг ижросини таъминлашимизни тасдиқлаймиз.

6. Буюртмачи ва танлов комиссияси тақдим этилган таклифлардан энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдирамиз.

7. Танлов иштирокчиларига жўнатилган хабарномалар Биз томондан ҳисобга олинган.

8. Ишларни бажариш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаймиз.

9. Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни танлов комиссиясининг мажлислари баённомалари билан тасдиқланган ва келгусида ўзгартирилмайдиган шартномавий нархда амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

10. Шартнома мажбуриятларини бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотларини, ҳар ойнинг 2 санасига қадар тақдим этиб бориш кафолатини берамиз.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: “_____” ___________ 20___ й.

**6 - ШАКЛ**

## ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ

_______________________________________________

*(объект номи)*

| Т/р | Ишлар номланиши | Ишларни бошлаш санаси | Ишларни тугатиш санаси |
|---|---|---|---|
| 1 | | | |
| 2 | | | |
| 3 | | | |
| 4 | | | |
| | | | |

**Изоҳ:** *Жадвалда ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда) ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.*

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: “_____” ___________ 20___ й.

**7 - ШАКЛ**

**БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРГА КАЛЬКУЛЯЦИЯ**

___________________________________________________________

*(объект номи)*

**Изоҳ:** *Ушбу шакл талабгор ташкилот томонидан ихтиёрий шаклда тақдим этилади.*

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: “_____” ___________ 20___ й.

# ТАНЛОВ
# ҲУЖЖАТИНИНГ
# ТЕХНИК ҚИСМИ

***“Объект номи” ишларига лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хулосаси олиш***

*(ОБЪЕКТ НОМИ)*

**2022 йил.**

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТИЖОРАТ ҚИСМИ

## I. БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

1.1. Буюртмачининг бошланғич нархи Танлов Ахборот Жадвалида (ТАЖ) да кўрсатилган.

## II. БУЮРТМАЧИ БЕЛГИЛАГАН ЛОЙИҲА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУДДАТИ

2.1. Лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича барча ишлар ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан якунланиши керак.

## III. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАИ

3.1. Объектни молиялаштириш ТАЖда кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

## IV. МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖда бошқа  ҳолат айтилмаган бўлса): бўнак (аванс) – Танлов натижаларига кўра аниқланган, лойиҳа ташкилоти жорий йилидаги ишлар қийматининг 15 фоизи микдорида; жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорида;

4.2. Кейинги йилга ўтадиган объектлар бўйича танлов ўтказилганда, буюртмачи томонидан жорий йилда ТАЖда кўрсатилган миқдорда маблағ ажратиш кўзда тутилган.

4.3. Тўловлар Буюртмачи томонидан шартнома талабларига биноан амалга оширилади.

4.4. Ишларни бажариш бўйича шартномаси қуйидаги тартибот ҳужжатларига жавоб бериши керак: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига.

## V. ШАРТНОМА ВАЛЮТА ТУРИ

5.1. Агар ТАЖда бошқача кўзда тутилмаган бўлса, шартномасининг валюта тури – **ўзбек сўмида**.